

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

88 Паспорт-виза режимига риоя қилиш тартиби мустақамланганлиги ва уй-жой фондидан фойдаланиш тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олишни такомиллаштириш ва уй-жой фондидан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири А. Аҳмедбаев ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 26 февраль,
54-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 26 февралдаги 54-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 27 февралдаги 92-сон қарори 4-банди-

нинг учинчи хатбошига «ваколатхоналари ходимларига» сўзларидан кейин «татбиқ этилмайди» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги 223-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 5-сон, 28-модда) билан тасдиқланган Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази тўғрисидаги намунавий низомда:

а) 11-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«11. Вақтинчалик бир марталик иш изловчи фуқароларга ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича вақтинчалик бир марталик иш билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилади.

Вақтинчалик бир марталик иш билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олишга ариза беришда фуқаролар вақтинчалик ёки доимий рўйхатдан ўтган ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга олинган бўлишлари, қонун ҳужжатларида белгиланган паспорт режимига ва жамоат тартибига риоя этишлари шарт»;

б) қуйидаги мазмундаги 11¹ — 11³-бандлар қўшилсин:

«11¹. Бошқа минтақалардан келган фуқаролар учун вақтинчалик бир марталик иш билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда вақтинчалик рўйхатдан ўтиш муддатига, шунингдек Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча ҳисобга олиш муддатига берилади. Бунда вақтинчалик бир марталик иш билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома муддати олти ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

11². Вақтинчалик бир марталик иш билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олиш учун фуқаро томонидан Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказига:

а) ариза;

б) асл нусха кўрсатилган ҳолда паспортнинг нусхаси;

в) 3 x 4 см ўлчамли тўртта фотосурат;

г) ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган сўровнома тақдим этилиши керак.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа минтақаларидан келадиган ва вақтинчалик бир марталик ишларга ёлланадиган фуқаролар турган жойи бўйича ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағини ҳам тақдим қилишлари керак.

11³. Вақтинчалик бир марталик иш билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ушбу Низомнинг 11²-бандида назарда тутилган барча ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин икки иш куни мобайнида берилади»;

в) қуйидаги мазмундаги 1 ва 2-иловалар қўшилсин:

«Вақтинчалик бир марталик
иш билан таъминлаш маркази тўғрисидаги
намунавий низомга
1-ИЛОВА

(олд томони)		_____ да (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳри)
вақтинчалик бир марталик иш билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи -сон гувоҳнома		
Фамилияси		Муҳр билан тасдиқланган фотосурат учун жой
Исми		
Отасининг исми		
Туғилган йили		
Туғилган жойи		
Доимий яшаш жойи манзили		
Вақтинчалик яшаш жойи ёки турган жойи бўйича ҳисобга олиш манзили		
Паспортнинг серияси ва рақами, ким томонидан ва қачон берилган		
Гувоҳноманинг амал қилиш муддати		
Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази раҳбарининг Ф.И.О.		
		имзо ва муҳр
(Орқа томони)		
Гувоҳнома эгасига эслатма		
<p>Гувоҳнома эгаси гувоҳномани паспорт билан биргаликда олиб юриши, зарур тарзда сақлаши ва уни учинчи шахсларга бермаслиги шарт.</p> <p>Гувоҳнома эгасининг доимий ёки вақтинча яшаш жойи ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга олиш манзили ўзгарган тақдирда, у 5 кеча-кундуз мобайнида бу ҳақда Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказига маълум қилиш шарт.</p> <p>Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш мақсадида гувоҳнома эгаси Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказига гувоҳноманинг амал қилиш муддати тамом бўлишидан 5 сутка олдин мурожаат қилиши керак.</p> <p>Агар Сизга нисбатан иш берувчи томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилган тақдирда, Сиз Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказига телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.</p>		

Вақтинчалик бир марталик
иш билан таъминлаш маркази тўғрисидаги
намунавий низомга
2-ИЛОВА

СЎРОВНОМА

Сўровноманинг тартиб рақами _____	Сўровнома тўлдирилган сана 20 йил « »
Исми	
Фамилияси	
Отасининг исми	
Туғилган санаси	
Туғилган жойи	
Жинси	
Доимий яшаш жойи манзили	
Вақтинчалик яшаш жойи ёки турган жойи бўйича ҳисобга олиш манзили	
Паспортнинг серияси ва рақами	
Ким томонидан ва қачон берилган	
Маълумоти	
Мутахассислиги	
Мутахассислик бўйича иш стажи	
Вақтинчалик бир марталик иш излаш сабаби	
Қачон ва қайси хорижий мамлакатларга чиққан	
Хорижий мамлакатларга чиқишнинг мақсади	
Жиноий жавобгарликка тортилганми	
Агар жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, қачон ва Жиноят кодексининг қайси моддаси бўйича жавобгарликка тортилган	
Сўровномани қабул қилган шахснинг Ф.И.О.	
Сўровномага киритилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини кафолатлайман	Ариза берувчининг имзоси

».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 5-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 14-бандда:

биринчи хатбошидаги «милиция таянч пунктига» сўзлари «хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«турар жойнинг ёхуд унинг бир қисмининг ижара шартномасининг ёки

турар жойдан ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш шартномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси.

Агар вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаро турар жой мулкдорининг (мулкдорларнинг) яқин қариндоши бўлса, турар жой ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш шартномасининг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиш талаб этилмайди. Ушбу ҳолатда вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаронинг ва турар жой ёхуд унинг бир қисми мулкдорининг (мулкдорларнинг) қариндошлиги даражасини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилиши керак»;

б) 16-бандда:

биринчи хатбошидаги «Милиция таянч пунктининг профилактика» сўзлари «Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида ягона намуна бўйича тайёрланади»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 18-банднинг биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «милиция таянч пунктининг профилактика» ва «милиция таянч пункти» сўзлари «хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 19-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. Охирги ҳисобга олиш расмийлаштирилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида ҳисобга олишни қайта расмийлаштириш масалаларини кўриб чиқиш фуқаро вақтинча турган жойи бўйича хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида амалга оширилади. Бунинг учун фуқаро ҳисобга олиш муддати тамом бўлишидан ўн беш кун олдин хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

Ариза рўйхатдан ўтказилгандан, шунингдек тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилган ва расмийлаштирилгандан кейин хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ўн беш кун мобайнида ҳисобга олишни қайта расмийлаштиришга рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ижобий қарор қабул қилинганда хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими фуқарога ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағини такроран беради, салбий қарор қабул қилинганда эса — ушбу қарорни ариза берувчига етказди ҳамда уни ички ишлар бўлими томонидан белгиланган муддатда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан чиқиб кетиш мажбурияти тўғрисида огоҳлантиради.

Қуйидагилар:

Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида ҳисобга олиш жойи бўйича турган вақтида мунтазам равишда ҳуқуқни бузишлар содир этилиши;

шахснинг Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида бундан буён бўли-

ши жамоат тартиби бузилиши учун шарт-шароитлар яратиши тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги;

ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳужжатларда нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги охириги ҳисобга олиш расмийлаштирилган пайдан бошлаб бир йил мобайнида ҳисобга олишни қайта расмийлаштириш рад этилиши учун асос ҳисобланади.

Фуқароларнинг Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида қайта ҳисобда туриши рад этилган тақдирда хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими инспектори томонидан хулоса тузилади, ушбу хулоса хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланади, унда рад этишнинг аниқ асослари кўрсатилган бўлиши керак.

Ҳисобда туришни қайта расмийлаштириш рад этилиши устидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин.

Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ҳисобга олиш тўғрисида берилган қайд варақлари сони тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)-нинг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимига тақдим этиши шарт»;

д) 20-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «милиция таянч пунктига» ва «Милиция таянч пунктининг профилактика» сўзлари тегишли равишда «хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига» ва «Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 21-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«21. Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими инспектори ариза берувчига ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи берилгандан кейин ҳисобга қўйилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимининг компьютер маълумотлар базасига киритади.

Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими инспектори фуқаронинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги келиш варақасини тўлдиради ва бир сутка мобайнида уларни Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг манзил-маълумотнома бюросига юборади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шунга ўхшаш бошқа ташкилотларнинг масъул шахслари бир сутка мобайнида ушбу ташкилотларга келган фуқароларнинг келиш варақаларини Ички ишлар бош бошқармасининг манзил-маълумотнома бюросига юборади.

Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими фуқароларни ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотлар компьютер маълумотлар базасига киритилгандан кейин уларни реал вақт режимда маълумотларни узатишнинг идоровий тармоғи бўйича Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг марказий маълумотлар базасига юборади.

9 (717)-сон

— 15 —

88-89-моддалар

Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳар ойда маълумотларни узатиш идоравий тармоғи бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга қўйилган фуқароларнинг рўйхатларини (электрон шаклда) кейинчалик ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳудудий бўлинмаларига бериш учун доимий яшаш жойидаги Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг тегишли хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юборади».